



Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Курултойи жамоат ташкилотига аниқ ва лўнда вазифага олдига қўйди. У фаолиятни амалга оширишда тадрижийлик, босқичма-босқичликка ва изчилликка риоя этишдан иборат. Хўш, жойларда унинг ижроси қандай адо этиляпти. Бошланғич ва ўрта бўлинда жонлангиш борми? Қолаверса, мулоқот ва ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосидagi ишлар самарасидан қўнғил тўлаяптими?

Ўз ўрнини тополмади. Охир-оқибатда жамоа фикри қатъийлашиб, бундай етакчининг баҳридан ўтишга қарор қилди. Масалани кўндаланг қўйди. Қарангки, ўша йиғинда унга сўз берилганда, қаловла-ниб чайналишдан на-рига ўтмади. Нимани ҳам айтсин, икки эн-лик қоғоздаги расми-ятчиликни эвини қилолмаган одам масъул вазифага л-йикми? Бугун бун-дайлардан буткул ха-лос бўла олдик, де-

ўларига номутаносиб юмуш-лар билан банд бўлайтир. Айниқса, бозорларда бу ҳолатга кўп дуч келинди. Маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда бу масалага жиддий ёндошишга интил-дик. Оғир юкли арава суд-раб юрган болаларнинг оиласи ўрганилганда моддий шароити етарли эканлиги аниқланди. Шу боис ама-даги йилда бу ҳолатга чек қўйди.

Кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда болалар бекор-чилигининг олдини олиш чораларини кўраялмиз. Худудимиздаги барча маҳал-

Эскирган ўлчамлар билан яшаб бўлмайди

— Алижон ака, Курул-тойдан кейинги даврдаги фаолиятингни қандай баҳолайсиз?

— Курултойдан гоят масъу-лиятли вазифалар қўйилиши билан бир пайтда, камчилик-ларни бартараф этишга ало-ҳида тўртки берилди. Бугун касаба уюшмалари кўйи ша-ронда ишлаши, муросасоз-ликка буткул барҳам бери-шга аҳамият қаратилди. Иж-тимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларга тезкор муношаимиз дар-кор. Бундан унчун муҳофаза-ли, билимдон, ижодий фиро-лизи кадрларга таъинишимиз лозим. Бизнинг энг оғир кў-чмаси — бошланғич ва ҳа-қиқатларнинг эътироф эт-ган ҳолда, уларнинг жан-го-варлигини таъминлашимиз керак. Қачонки, ташаббус қўйилган чикса интилиш, из-ланиш борлигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. Кўп ҳолларда ана шу таянчлар-мизда хотиржамликни кўра-миз. Касаба уюшмасига об-руни биров олиб бермайди. Балки ўзимизнинг иқтидори-миз, ишончимиз, меҳнат-каш қилганимизга топа били-шимиз билангина бунга эри-шишимиз мумкин.

— Мавзудан чекинма-ган ҳолда бир савол: Си-зинг наздинида касаба уюш-ма етакчиси қандай бўлиши керак?

— Аввало, шу ҳақда жон-ли бир мисол келтирмоқчи-ман. Виллоятимиздаги ташки-лотларнинг бирида бўлиб ўтган касаба уюшма йиғили-шида иштирок этишга тўғри келди. Меҳнатқашлар ўла-рига янги етакчи сайлашга жазм этган экан. Вазифани топишариётган етакчини ҳам яқиндан танирдим. Аслида у кимларнингдир кўтар-кўтари-дан бу вазифага келиб қол-ган эди. Атиги уч йилгина ташкилотни бошқарди. Таъ-бир жоиз бўлса, шу вазифа-ни қўриқлади, десак жато эмас. Билдирилган ишончни оқлаш ўрнига у раҳбарга пой-патак бўлди. Беминнат югурдакка айланди. Бу ҳол уни меҳнатқашлардан ироқ-лаштирди, ҳолос. Жамоа ижодий томонга ўзгаришини бир йил, икки йил кутди. Бироқ бунчун у тушуниб ет-мади. Қанчалик ўзини сипо туг-масин, муҳим вазифаларни бажараётгандек кўрсатмасин,

йишга асосим йўқ. Гуруч кур-максиз бўлмайди. Номига, кўним ўтса бўлди дегувчилар бор. Улардан қанча тез қўйилсақ, ишимиз шунча яхши юриширди. Каса-ба уюшма етакчилигини раҳ-барликдан ҳоли халқ хизмат-кори дея қабул қилиш лозим. Хизмат чекланмаган, бемин-нат бўлса, янада нуфузи ор-тади.

— Бир учраганимизда кўйиниб юргандингиз?

— Тўғри. Бир ходимимиз-нинг яшаб турган уйи нураб, яшаши яроқсиз аҳволга ке-либ қолди. Халқ таълими бўлими мазмурияти билан ке-лишиб, ишламаётган боғча биносининг бир қисмини э-га бошлана қилиб бериш-га қарор қилдик. Қоғозбоз-лиги анча хориди. Югур-югурдан чўчилади. Ахир боғча-чакали оилани мушук аҳволда қолдириб бўладими? Муддаога эришмагунча тин-чимадик. Қўчқаси, ходимимиз уйли-жойли бўлди. Ташвиш-лари ариди. Кундалик фао-лиятимизда бундай воқеалар-га тўқнаш келиб тураими. Бундай чоғда қатъият кўрс-атилмас бўлмайди. Ахир биз ишловчилар вақилимиз. Улар манфаати учун ёниб-қуй-масак, ўртанмасак нима де-ган одам бўлаимиз!

— Жамоат ташкилотла-ри билан алоқалар ҳусуси-да ҳам тўхталсангиз?

— Нафракат жамоат ташки-лотлари, қўнғилга эзгуликни ҳо қилган фуқаролар билан ҳам ҳамкорлик қилаёмиз. Ай-ниқса, ҳимийлик йўналишида-ги ҳаракатларимизни уйғун-лаштирганмиз. Сирдарё вило-ят кўрейс миллий маркази, тадбиркор А.Норматов билан ҳамкорликда 71-мактаб-ин-тернатга кўмак кўрсатдик.

Туман ва шаҳар маҳалла-лари билан баҳамжихат иш-ляймиз. Хусусан, болаларни спорт тўғаракларига жалб этиш, уларни соғломлашти-риш, кам таъминланган ҳона-донларга кўмак кўрсатишда ягона дастурга ағамиз. Юздан ошдик хонадонга ҳимийлик ма-дади кўрсатилди.

— Меҳнат бозорига тен-дер номутаносиблиги ва болалар меҳнати муаммо-си намоён бўлганлиги қай-д этиляпти. Туманда аҳвол қандай?

— Сир эмас, бозор иқти-соди шароитида болалар

ла қўмиталари қошида спорт тўғараклари очилган, уйин-гоҳлар бор. Болалар бўш вақтларини ана шу жойлар-да ўтказайтир. Ишлаш иста-дида бўлган 13 нафар бола-га эса қонун талабларидан келиб чиққан, муҳофазалан-ган иш ўринлари яратиб бе-рилган.

— Улғайиб келаётган авлодни чинқиртириш, уллар саломатлигини муста-ҳкамлаш йўлидаги иш-лар ҳақида гапирсангиз.

— Утган даврда 234 ма-ротаба турли спорт уйинла-ри ташкил этдик. Унда 6 миңдан ошди ёшлар ишти-рок этди. Беллашуларнинг асосий қисмини ёғи таътил кўнралига режалаштирган эдик. Чўнки болалар айнан ана шу фурсатларда бўш қолашади.

Шунингдек, ёшларнинг дам олишини ташкил этиш ҳам долзарб юмуш. Икки йилдан бўён соғломлашти-риш ҳақини кенгайтириш борасида Сирдарё педаго-гика коллежи билан ҳамкор-лик қилиб келяймиз. Ёшлар барча қўлайликларга ага ма-всумий оромгоҳда қизиқарли тадбирлар билан қўрашб олинади. Амалдаги йилда ҳам 130 нафар ўқувчи колле-ж оромгоҳида дам олди-рилди. Касаба уюшма ва халқ таълими бўлими ҳам-корликда 50 та йўлланмани кам таъминланган оилалар-нинг фарзандларига бепул тарқатдик.

Урни келганида таъкид-лаш жоиз. Бир муаммо ечим топласдан қўйиб келяпти. У ҳам бўлса, соҳа ходимла-рини бепул тиббий қўриқдан ўтказиш эвини қилган-лимиз йўқ. Мутасаддилар ол-дига масалани кўндаланг қўйганмиз. Аммо ҳали-ҳануз ечим топилмапти. Умид қиламизки, таълим ходимла-ри бу афзалликдан фойда-ланишади.

Хуллас, гапирман десак гап кўп. Бажаишимиз лоз-им бўлган юмуш сероб. Уйлаймизки, касаба уюшма-лари янгилаган шароитда ўз ўрнини мустаҳкамлаб меҳ-наткаш манфаати ҳимояси йўлида шаҳдам илгарилан-веради.

Сўхбатдош:  
Нурилла ШАМСИЕВ,  
«Ишонч» мухбири

Журналист суриштируви

Ўйингоҳга ким хўжайин?

Таассуфки, Янгиарқ тумани-даги Бейватан маҳалласида ўз-гача ҳолни кузатиш мумкин. Маз-кур кишлоқда яшовчи фуқаро Хусин Ибодуллоев томонидан йўлланган хатда Наримон Хай-тов деган шахс болалар уйин-гоҳи учун ажратилган майдонга бир неча йиллардан бўён ўзо-бощимчилик қилиб шולי экиб ке-лаётгани ёзилади.

Журналистик кузатув давоми-да шу нарса аниқландики, Х.Ибодуллоев ва Н.Хайитовлар ўртасида бир неча йиллардан бери адоват пайдо бўлиб, қон-қариндош бўлган икки оила бир-бири билан юз қўришмас дара-жага келиб қолишган. Низонинг келиб чиқишига икки қўшни ўртасидаги бир парча ер сабаб бўлган. Тавоқдекки ана ерни Ибо-дуллоевлар «Бу бизга тегишли» дейишса, Хайитовлар «Йўқ, бу ер бизнинг мулкимиз» дея даъ-во қилишган. Охир-оқибат од-дий гиди-бидилар чеки йўқ ни-зога айланган.

— 2004 йилнинг 18 октябр кўни мен акамларниқига бориб қолдим, — дея ёзади Х.Ибодул-лоев. — Чўнки фуқаролар йиғи-ни раиси Ж.Вапаев менга акам-ларниқига кутиб туршини та-йинлаб, ўзи соат 15.00ларда келишини айтarkan: «Бугун акам-гиз ва қўшини Рўзимат Хайи-товлар ўртасидаги ер чегараси-ни белгилаймиз» деди. Биз акам Каландар Ибодуллоев иккала-миз тушлик қилиб ўтиргандик, тўс-атдан соат 13.00 ларда Рўзимат Хайитов ва укаси Наримонлар қўлларидан мотёрновка ва лом билан устимизга бостириб ки-риб келишди. Бизлар туриб қочиб тушдик. Бироқ улар изимиздан қувиб етган, аввал акамнинг бошига лом билан уришди. Кейин Наримон мени

дуч келган жойимга тушира кет-ди. Ака-ука икковимиз ҳам хўши-миздан кетиб йиқилибимиз. Би-роздан сўнг ўзимизга келгач, ташқарига чиксак, у ерда қўшни-миз Рўзимат ва Наримоннинг ака-укалари акамнинг ўғли Омонгалдини ураётган эканлар. Улар жами 9 нафар бўлиб, биз-ни роса дўппослашиб, уст-бо-шимизни қонга бўйашди. Акам хўшидан кетиб йиқилди, мен эса зўрға бошимни кўтариб қарасам, Усмон Хайитов Рўзим-атовнинг уйдан милтик олиб чи-қиб менга қаратди. Шу пайт унинг қўлидаги милтиқни ёни-дагилар тортиб олиб, ўзини уй-ига киритиб кетишди. Акам ва биз касалхонага тушдик. Акам-нинг жароҳати жиддий бўлган экан. У ҳозир ҳам врач назорати-да.

Хайитовлар ноқонуний экин экиб фойдаланаётган майдонда маҳалла ёшлари учун ўйингоҳ қурдириш ҳаракатида бўлган Хусин отани бў кўргилиқлар ҳам чўқтиролмади. Туман ҳокими-нинг қарори айна мудабо бўлди. Янгиарқ туман ҳокимининг Гул-ланбоғ кишлоғи Бейватан аҳоли яшаш пунктида футбол майдон-часи (ўйингоҳ) қуриш учун М.Маткаримов номи ММТП ҳудудидаги 307-контурдан туп-рок бантети 58 балл бўлган бир гектар экин ер участкасини танлаш тўғрисидаги 2006 йил 11 январ 18-сон қарори халқ де-путатлари виллоят Кенгаши се-ссиясига тасдиқлаш учун кири-тилган ҳам хатто. Бунгача Хусин ота Хайитовларнинг ўзбошимча хатти-ҳаракатлари устидан бир неча марта юқори ташкилотлар-га ёзишмалар қилади. Давьогар сифатида фуқаролик ишлари бўйича Богот туманлараро су-ришди. Кейин Наримон мени

нинг 17 февралда бўлиб ўтган суд мажлисида жавобгар Нарим-он Хайитовнинг ўзига тегишли бўлмаган ерга ноқонуний имо-рат қурганлиги тасдиқланди, шундай қарор чиқариди: «...Хай-итов Наримоннинг 27 кв.метр майдондаги уйининг фасад қис-мида ноқонуний солган қўшим-ча хонаси бузилсин. 404-кон-турнинг бир бўлагидан ўзо-бощимчилик билан эгаллаб олган 0,82 га экин майдони ширкат хўжаллига қайтариб берилсин.» Лекин адолатли қарор Н.Хай-итовга ўз кучини кўрсатмаган қўринади. Негаки, у жорий йил-да ҳам футбол майдончаси қури-лиши керак бўлган майдонга ҳеч нарсадан тап тортмасдан шולי экиб юборган. Ажаб-ланариси, на Гулланбоғ фуқаро-лар йиғини раиси, на М.Маткар-имов номи ММТП мутасадди-лари давлат ерини ноқонуний эгаллаб олган, қолаверса, ҳуку-мат сиёсатининг муҳим бир бў-ғини даражасига кўтарилган кишлоқда болалар спортини рив-ожлантириш масаласига тўға-ноқ бўлаётган шахсининг муш-гони «пишт» дея олмаганлар. Оқибатда Хусин Ибодуллоев ре-спублика назрларидан бирига шикоят йўллашга мажбур бўлган. Тахририят хатни ўрга-ниш учун Хоразм виллоят проку-ратурасига юборган.

«Хоразм виллоят прокурату-раси томонидан Сизнинг тахрири-ятга ёзган мурожаатингиз юза-сидан мутахассис жалб қилган ҳолда текшириш ўтказилди ва қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, Н.Хайитов бир неча марта оғохлантирилган бўлиши-га қарамасдан қурилиши мўлжалланган ўйингоҳнинг 0,54 гектарига ўзобощимчилик билан шולי экиб, Ўзбекистон Респуб-

ликосининг «Давлат сани-тария назорати тўғриси-да»ги Қонуни ва «Ер Ко-декси»нинг 90-моддаси талабларини бузиб кел-ган.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати-нинг 2006 йил 26 август кўниги қарорига асосан Н.Хайитовга нисбатан Ўзбекистон Республи-каси МЖТКнинг 34, 53, 65-мод-далари билан маъмурий жавоб-гарлик тўғрисида иш қўзғати-либ, 54 миң сўм жарима со-линди.

Ўтказилган текшириш натижа-ларига қўра аниқланган қонун-бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконий яратиб бераётган шарт-шароит-ларни бартараф этиш, туман ДСЭНМ ва ер ресурслари ҳамда давлат хизматлари фаолияти у-стидан назоратни қучайтириш, Н.Хайитов томонидан ўзобощи-чилик билан 0,54 гектарга экин-лан шולי ҳосилини туман халқ таълими бўлимига қарашли бо-ларга боғчасига ёки ўйингоҳ қурилиши учун сарфлаш мақса-дида мувофиқлиги қайд қилиниб, туман ҳокими номига, Гуллан-боғ кишлоқ фуқаролар йиғини кенгашига, кишлоқда ердан фойдаланиш, фуқароларнинг тинчлиги, ҳамжihatлигини сақ-лаш, ҳуқуқбузарликларнинг ол-дини олиш ва яраштирув комис-сияси фаолияти тўғри йўлга қўйилмаганлиги қайд қилиниб, қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритилди...»

Айни биз журналистик куза-тув олиб бораётган бир чоғда прокуратура томонидан йўллан-ган ушбу жавоб хатидан Х.Ибо-дуллоев излаган ҳақиқат қарор топганлигини англаш мумкин. Аслида шикоят муаллифининг мақсади ҳам шу: ноқонуний экилган шолини ўйингоҳ қури-лиши учун сарф қилдириш, Н.Хайитовга қонуний чора қўллан-ишга эришиш эди.

Эрпўлат БАХТ,  
«Ишонч» мухбири

Бўлғуси тиббиёт ходимлари маскани

Кўчна ва ҳамisha навқирон Марғилон шаҳрида бугунги кунда битта академик лицей ва 11 та касб-хўнар коллеж-ларида 16 миңдан зиёд ёшлар таълим-тарбия олмоқ-да. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда кадрлар ма-саласига катта эътибор қар-тилган. Мазкур йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши ўрта тиббиёт ходимлари тай-ёрлайдиган ўқув юртларига ҳам катта масъулият юқлади.

Яқинда эса кўчна шаҳарнинг чиройига кўк қўшиб турган янги тиббиёт коллежи кад ростилади. Мазкур ўқув маска-нини 360 ўринга мўлжалланган бўлиб, у замонавий ўқув жи-ҳозлари билан таъминланди. Бу ерда учта йўналиш бўйича 360 нафар ўқувчилар таълим олмақдалар. Тиббиёт ходимлари ҳар томонлама етук ҳамда аҳоли саломатлиги учун қайғурадиган бўлиши шарт. Шунинг учун ушбу коллежнинг химия, физика, компьютер ва



Бошқа ўқув хоналари етарли даражада ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Бундан таш-қари, бу ерда аяборот ресур-маркази фаолият кўрсатиб кел-моқда. Бундай муштаам ин-шоотни бунёд этишда олти-риқликлар — машҳур қурувчи Раҳматжон Эркабоев бошчили-гидаги «КМК-001» бунёдкор-

лар жамоасининг катта ҳисса-си бор. Сўратларда: Марғилон шаҳридаги янги тиббиёт коллежи фаолиятдан лавжа; коллежнинг умумий кўриниши. М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сўратлар

Сохибқирон Амир Темурнинг 670 йиллигига

Пиримқул ҚОДИРОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Авлодларга аталган буюк кашфиёт (Илмий бадеъа)

То у йил Амир Темур таваллудининг 670 йил-лиги муносабати билан дунёнинг кўнгина мамлакатларида Сохибқиронга бағишланган тадбирлар ўтказилди, илмий ишлар ва мақо-лалар чоп этилди. Ана шу мақолалардан бири Италияда наш этиладиган «Марко Поло» журна-лининг 2006 йил 2-сонида босилиб чиқди. «Буюк дав-лат арбоби ва саркарда» деб аталган ушбу мақолада Амир Темурнинг оламшумул фаолиятига инсоният та-риҳида ўчмас из қолдирган македониялик Александр ва римлик Юлий Цезарлар даражасида энг юксак баҳо берилганди. Тўғри, икки орада миң йилдан ортиқ ул-кан даврлар бор. Шунга қарамай, бу улғу арбоблар ва даҳо даражасидаги саркардаларнинг фаолиятларида бир-бирига қиёслаб таҳлил ва талқин қилишга имкон берадиган ёрқин саҳифалар мавжуд.

Авваломбор, улар ўз даврларининг энг истеъдодли ва маърифатли сиймослари бўлганлар. Улар давлатни ва қўшинни аъло даражада бошқариш билан бирга, ўз ҳаётлари ҳақида мутафаккир инсонлар сифатида тереан фалсафий фикр юритганлар. Айни вақтда, улар улкан ижодий салоҳият сохиблари бўлганлар ва ўзлари бош-дан кечирган тарихий воқеалар ҳақида кундалиқлар, адабий-тарихий асарлар, эсдаликлар ва тузуқлар шақ-лида бетақорор асарлар ёзиб қолдирганлар.

Македониялик Александр йигитлик даврида ёзган кундалиқларида Македония подшоиси бўлган ўз отаси Филиппдан ҳам кўра устози Аристотелни баланд қўйиб қўйдаги ҳикматли сўзларни ёзади: «Отам менга ҳаёт берган бўлса, Аристотель мени ўзимга муносиб яшашига ўргатди!». Александрдек улғу истеъдодни ўзига муносиб яшашига ўргатиш — уни олам-шумул давлат арбоби ва саркарда қилиб тарбиялаш деган маънони билдиради.

Македониялик Александр ва римлик Юлий Цезар-лар ёзиб қолдирган ижодий мероси «Темур тузуқла-ри» билан қиёс қилганда, бу уч сиймонинг яшаган давр-лари ва тақдирлари ўзига хос ва бетақорор бўлганини албатта шикоят олиш зарур. Шарқда Исқандар Мақду-ний деб хўшрат қозонган Александр 34 ёшида киргунча Фарбда Урта Ер денгизидан тортиб Шарқда Амудар- ва Гангагача чўзилган улкан империя яратди, Александр-

рия (ҳозирги Исқандария) каби ажойиб шаҳарлар бар-по этади. Фақат эҳтиёсизлик оқибатида бир меҳмон-дорчиликда бўлган майўрликдан кейин 20 кун каттик иситилаб ётиб, тўсатдан вафот этади. У анча кеч — ёши 26 дав ошганда самарқандлик гўзал қиз Равша-накга (римликлар бу аёлни Роксана деб атаганлар) уй-ланган эди. Болалари жуда ёш бўлгани учун отасига ворис бўлолмади. Александр тузган империя жуда тез парчаланиб кетди. Шу ҳаммаси сабаб бўлиб, ма-кедониялик Александр ўз сулоласини яратишга улғур-май оламдан ўтади.

Цезарь ҳам иждокор шахс эди. Тарихчи адиб Це-зарь ўзи бошидан кечирган ғаройиб воқеаларни равон услубда қизиқарли бадиий шаклларда тасвирлаб бера-ди. Унинг яна бир хайрли иши — милодий йил ҳисоби-даги тақвимининг чалқашликларини бартараф этиб, му-каммал тақвим яратди. Бу тақвим ҳозиргача ўз аҳами-ятини йўқотмай келади. Масалан, бугунги дунё тақ-вимларида мавжуд бўлган «Йул» ойининг номи Цезарь «Юлий» деган номидан олингандир.

Юлий Цезарь ёши эллиқдан ошганда подшолик ма-қомига эришди. Лекин собиқ республикачилар унга қарши суиқасд тайёрлайдилар. Буни Цезарнинг хайри-одамлари пайқаб қоладилар. Плутархнинг гувоҳлик бе-ришича, «Цезарнинг дўстлари ишончли қўриқчилар ҳимоясида юришини унга маслаҳат берадилар, хатто унинг қўриқчилари бўлиб хизмат қилиш истагини бил-дирадилар. Бироқ Юлий Цезарь бепарво бўлади. Амир Темур эса ўз авлодларига доим шижоат ва қатъият билан бирга, хўшёрлик ва эҳтиёткорликни унутмаслик ҳақида қайта-қайта маслаҳат берганлиги «Темур тузуқ-лари»нинг кўнгина саҳифаларида битилгандир. Буни Юлий Цезарнинг ўз хавфсизлигига бепарво муносаба-ти билан қиёс қилсак, Амир Темур тутган йўл тарихан тўғрироқ ва унинг авлодлари учун самаралироқ бўл-гани кўрамай.

Юлий Цезарь подшолик мақомини олгандан кейин ҳам қўчаларда қўриқсиз юради. Унинг мана шу эҳти-ёсизлигидан фойдаланган душманлари уни қасддан ўлдирдилар. У 56 ёшида ҳаётдан кўз юмади. Қўтил-маган қожевавий ўлим унга ишончли ворислар тайёр-лаш имкониятини бермади. У ҳам Исқандар Мақду-

ний каби ўз сулоласини яратишга улғурмай вафот эта-ди.

Улардан фарқли ўлароқ, Амир Темур узок умр кўра-ди. У Йилдинри Боязид устидан оламшумул ғалабага эришганда олтиш етти ёшга кирган эди. Бу даврда унинг кенжа ўғли Шоҳруҳ Хўросон ҳўкуматини бошқа-рар, неварар Мирзо Умар Озарбайжондан Ироққа-на бўлган худудларда ҳўқоронлик қилар. Пирмухаммад Мирзога Афғонистон ва шимоллий Ҳиндистонни идора этиш топширилган эди. Демак, Темурийлар сулоласи Сохибқироннинг кўзи тиркилишда шақлана бошлаган эди. Келажакни олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлган Амир Темур «қўллар авлоддан ва зуриятини сал-танат тахтига ўлтириб мамлакатларни идора этгай» деб умид билдиради. Тузуқларнинг иккинчи китобида фик-рини шундай давом эттиради: «Бу тузуқлардан салта-нат ишларини бошқаришда қўллана сифатида фойда-лангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва сал-танат зарар ва таназзулдан омон бўлганди».

Тақдир тақазоси билан бу фоний дунёдан боқий ду-нега кетиш пайти ақинлашганини сезган Сохибқирон умрининг охириги соатларида ҳам ўзини мардона тута-ди ва дошинамандларга хос равшан тафаккур билан яқин одамларига дил ёриб васиятлар қилади. Шунда се-викли умр йўлдоши Сарой Мулк хоним, набралари Улуғбек ва Иброҳим Мирзолар, содик беклари Шоҳма-лик, Шайх Нуриддинлар кўзларига ёш олиб дейдилар: «жонимиз сизга садак, қошки худо бизнинг жонлари-мизни олиб, сизнинг жонингизни бағишлагай» дейди-лар. Сохибқирон дейди: «Сизларни худого топширдим. Ҳазрат ҳақдин умидим борки, менга раҳмат қилгайим, золимларнинг эликларини мазлумлардин қисқа қилиб-дурмен».

Шу сўнгги дақиқаларда ҳам Амир Темур фарзанд ва невараларига аталган қўйдаги дил сўзларини айтади: «Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айтдим, қуло-гингизда тутинлар... Агар менинг васиятига аман қилиб адлу эхсон билан оламни обод қилсангиз, кўп йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолгусидир...»

Сирдарё бўйида Утродда 1405 йилнинг 18 феврал-да айтилган бу сўнгги сўзлар «Темур тузуқлари»да яра-тилган улкан ижодий кашфиётларга қўшилиб, тему-

Оиладан бошланар Ватан

# Аҳил ва иноқ, пири бадавлат

**Қарши шаҳрининг Боғишамол маҳалласида сув ҳўжалиги фахрийси Абдура-сул бобо Азизов умргузаронлик қилади. Воҳа қишлоқларини оби-ҳаёт билан таъминлашга муносиб хисса қўшган, бутун умрини эзгу ишларга бағишлаган кекса мирос гамаҳўр ва хокисор турмуш ўртоғи Сафаргул момо билан қирқ уч йилдан бери бахтиёр ҳаёт кечириб келаяпти.**

**Беш нафар ўғил-қизни тарбиялаб воғая отказган, ўнлаб неварачевараларнинг бобоси ва момосига маҳалладошлари ҳавас билан қарашади. Болалари ақли, одобли, эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилишапти.**

— Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, — дейди Пах-тазор маҳалласида яшовчи Севара момо ва Даврон бобо Бозоровлар. — Донишмандлар айтганидек, ота-онанинг муқаддас бурчи фарзандни дунёга келтирилгани билан эмас, балки яхши болаларни тарбиялагани билан белгиланади.

Саккиз нафар ўғил ва қизни воғая қозғабган Бозоровлар хонадонидан бир-бирдан ширин неварачеваралар камол топмоқда.

— Ҳар бир шахс оилада инсон сифатида шаклланади, яшашни, меҳнат қилишни ўрганади, — дейди уларнинг тўнғич қизи Инобат опа биз билан суҳбатда. — Падари бузрукворимиз ва волидаи мухтарамамизнинг тўғри тарбияси, эътибори туфайли ҳаммамиз ҳаётда ўз ўрнимизни топдик.

Кўп йиллардан бери шаҳар туғруқхонасида ҳамширалик қилаётган Инобат Бозорова юзлаб чақалоқларга доялик қилган. Қалб ҳароратини нафақат ўзининг тўрт нафар ўғил-қизига, балки туғруқхонада дунёга келадиган истиқлол фарзандларига бахшида этаятганлигидан бахтиёр.

Оилада тўқтинчи муҳайё. Турмуш ўртоғи Қарши туманидаги "Ойбек" фермер ҳўжалигини бошқаради. Қунора ота-оналари ҳолидан хабардор бўлишиб, дуоларини олишади.

— Дунёда ҳамма нарса унутулади, фақат одамларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати сақланиб қолади, — дейди шаҳарнинг Қарлиқбоғот маҳалласида қирқ беш йилдан бери бир-бирига елкадош бўлиб турмуш кечириб келадиган Муқаддам Эгамбердиева ва Акрам Қўлдошевлар. — Аслида бола тарбияси оиладан бошланади. Ҳар бир ота-она фарзандларининг хисмоний соғлом, маънавий етуқ ва жамиятнинг фаол аъзоси сифатида камол топиши учун масъул.

Акрам бобонинг касби ҳайдовчилик. Муқаддам момо муаллима. Бахтли кексалик гаштини сураётган пири бадавлат қариялар йигирма нафар шўҳшондон неварачевараларнинг бобо ва момоси.

ликиси Оила кодексидан бола туғилган ва яшаётган оилада унинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши учун гамаҳўрлик қилиш ота-она зиммасига юклатилган, — дейди шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзура Зарипова. — Кейинги ярим йилликда шаҳримизда мингдан ортиқ никоҳ тўйлари ўтказилиб, янги оилалар вужудга келди. Қадимий Насафнинг 2700 йиллиги олтидан ҳар бири 40 хонадонли 2 та кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиб, эҳтиёжманд кишиларга берилди.

Оила мустақамлиги жамият барқарорлиги ва осойишталиги демакдир. Кимнинг ўйи тинч бўлса, ишида барака, унум бўлади. Боғишамол маҳалласидан Бойназаров, Ҳўжаназаров, Ойдин маҳалласидан Ортиқов, Кат маҳалласидан Ғиёсов, Эски Анҳор маҳалласидан Акбаровлар оилаларида қарор топган тотувлик, фарзандлар тарбияси учун масъуллиқ, болажонлик, ўғил-қизларни ҳалол меҳнат қилишга ўргатиш, истиқлол мафқураси руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли ишлардан ўрнак олса арзийди.

— Аввало ҳар бир киши онгида ҳуқуқий маданият ва тафаккурни шакллантириш керак, — дейди тажрибали муаллима, вилоят рус миллий маданий маркази раиси Елена Кучеренко. — Ёшларимизни ҳар хил ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асрашимиз керак.

Қашқадарёда фаолият юритаётган рус, татар бошқариб, корейс халқларининг миллий маданий марказлари жамиятда дўстлик ва биродарликни мустақамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиб турибдилар. Президентимизнинг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиял-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қароридан сўнг маҳалла-лар ва қишлоқларда мафкуравий фаолият янада фаоллашди.

Яқинда Қарши қўлидаги Нуристон кўрғонидан Талимаржон иссиқлик электр станциясининг кўп миллилатли ишчилари, муҳандис-техник ходимлари иштирокида уюштирилган

"Қудратимиз - дўстликда" мавзусидаги кеча оилалар ҳамжihatлигига бағишланди.

Қаршидаги Болалар истироҳат боғида ташкил этилган "Энг ибратли оила" кўрик-танловида 22 нафар хонадон соҳи-



би ва соҳибалари қатнашдилар. Ярим асрдан буюн бир-бирига суяниб яшаб келаятган Пақ, Арал маҳалласидан Асоловлар, Мағзон маҳалласидан Тўлановлар, Эски Анҳор маҳалласидан Акбаровлар "Энг ибратли оила" деб топилди.

Соғлом авлод — миллат келажаги. Воҳада оилавий спортга эътибор кучайтирилган. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган "Ватан оиладан бошланади" спорт мусобақаларида юзлаб оилавий марафончилар иштирок этдилар.

Яқкабўг туманидан Бўрон Тўраев, Қамашидан Эшим Мейлиев, Дехқонбоддан Акбар Нурматов оила аъзолари билан ўзларининг энгчилликлари ва маҳоратларини намойиш этиб, голиблар сифидан ўрин олдилар.

Оила — Ватаннинг ажралмас қисми. Аҳил ва иноқ, пири бадавлат оилалар кўпайса, жамиятимиз шунчалки қудратли ва мустақам бўлади.

Иззат ҲИҚМАТОВ,  
"Ишонч" мухбири

Эътироф

**Одатда ўзбек хонадонидан тўй ва бошқа қувончли кунлар кўп бўлади. Бешиқ ва суннат тўйлари дейсизми! Кўтлуг кунни нишонлаш-у, никоҳ тўйлари дейсизми! Ёзининг бошида ана шундай қувончли маросимлардан бирининг гувоҳи бўлдим.**

— Ажойиб кунда келдингиз-да, — деб қолишди хизмат юзасидан Наманган шаҳридаги "Узхимлаборатория"сида бўлганимда. — Раҳбаримиз Талабай ака Каримбоев бугун жамоамизни уйига тушликка таклиф этиб кетган, ўғли Дилмурод йигитлик бурчини бажариб армия хизматидан қайтди. Шунга бағишлаб тўй қилаяпти. Биз билан бирга борасиз, жуда хурсанд бўлди.

Келиш меҳмондан, кетишга рухсат мезбондан,

# Каримбоевлар хонадонидан қувонч

деганларидек рози бўлишимдан бошқа иложим қолмади.

Каримбоевлар уйи маҳалладаги бошқа хонадонлардан деярли фарқ қилмайди. Ҳовли четигади қўш қароватда, столлар атрофида одамлар ўтиришибди. Қаёққа қараманг, тўйга хос гавжумлик, куёвлар синга-

ри янги дўппи, костюм-шим кийиб олган, лекин юзидан аскарлиги билиниб турган йигит бизни қулиб қарши олди ва қўчқолашиб қўришди, ҳаммамиз йигитлик бурчини мувафқиятли адо этиб келгани билан уни табриқладик.

Гоҳо, миллатимизга хос

лар боғлашарди.

Меҳмонлар сийрақлашган, аскар йигитни ўзимиз ўтирган даврага таклиф қилдик ва суҳбатга тордик.

— Биз, ёшлар, айниқса, армия сафидан хизмат бурчини ўтаган ва ўтаётган йигитлар юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар-

рилган топшириқларни ўз вақтида ва пухта бажарганим учун менга ҳам ана шундай ҳўжжат тақдим этилди.

Уни яқинда кўриб қолдим. Ҳол-аҳвал сўрашган, Наманган муҳандислик — педагогика институтига имтиёзли равишда

дан ва кўрсатилаётган гамаҳўрликлардан хурсандимиз, — дейди гап орасида Дилмурод Каримбоев. — Қарангки, атиги бир йилгилар, шунда ҳам ўз юртимизда хизмат қилдик. Бу вақт ичида уйдагилар бир неча бор кўриб қелишди.

Йигитдан навбатдаги режалари ҳақида ўртоқлашдик.

— Бош мақсадим ўқиш, — деди кулиб Дилмурод. — Бу борада ҳам ҳўкуматимиз аскар йигитлар учун алоҳида гамаҳўрлик кўрсатишмоқда. Маълумки, армия хизматини битирганларга олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига кириш учун тавсиянома берилмоқда. Бунга қўра ўқишга кирувчиларнинг тўллаган балига 25 фоиз қўшимча балл қўшилади. Жумладан, хизмат давомида командирлар томонидан бе-

ўқишга кирганлигини ўзига ҳос хурсандчилик билан айтиб қолди.

— Бу, аввало, Президентимизнинг биз ёшларга раҳнамоллиги ва гамаҳўрлиги шарофатидир, — дейди у ҳаяжонланиб. — Армияда яхши хизмат қилганим, топшириқларни вақтида бажарганим учун йўланмани қўлга киритдим. Армия бизлар учун жанговар тарбия маскани бўлиш билан бирга қалқон ҳамдир. Президентимиз, халқимизнинг ишончига жавобан аъло баҳоларга ўқиб, яхши мутаҳассис бўлиб етишишга ваъда бераман.

Нима ҳам дердик, эзгу орзулар ҳамиша ушалаверсин.

Обиджон  
ЖУМАНАЗАРОВ,  
"Ишонч" мухбири

Нуроний отахонлар маънавиятимиз кўрки, хонадонимиз фахр-ифтихори. Уларнинг ҳаёт йўли ёшларга ибрат. Дуоларидан тонгларимиз файзиёб, осмонимиз беғубор, юртимиз тинч-осуда. Оталар сўзини беҳизга ҳикмат мактабига менгашмайди. Уларнинг панд-насиҳатлари турмуш йўлимизни чироқ мисол ёртиб, яхшиликка бошлайди. Шу боис халқимиз нуронийларга алоҳида эҳтиром кўрсатиб, давралар тўрини илинади. Бир ишни бошлашдан олдин отахонларни маслаҳатга қорлайди. Пири бадавлат оқсоқоллар гурунги гўё ёзилмаган китоб — тирик тарих. Уларни эшитганинг сайн умрининг бебаҳолиги, тинчликнинг қадри, Озодликнинг шукунини англаб етасан.

Юртимизнинг иймон қалъалари бўлмиш оқсоқолларимиз омон бўлсин. Улар бор экан, сафимиз юксак маънавиятли ёшлар билан тўлиб бораверади.

Х. АРАББОЕВ олган сурат.

Орамиздаги одамлар

**«Агар учувчи бўлиш аёлга тикувчилик ёки пазандалиқ билан шугулланишдек оддий ва осон туюлганда мен ҳеч қачон бу касбини таянмаган бўлар эдим».**

**Ушбу сўзлар муаллифи моҳир учувчи Валентина Ивановна Скибина хозирда 3-УОда Учувчилар отряд командири ёрдамчиси сифатида фаолият юритмоқда.**

Валентина СКИБИНА:

# МЕН ҲАМИША БИРИНЧИ БЎЛИШГА ИНТИЛАМАН

— Валентина Ивановна, авиация соҳасига қандай кириб келгансиз?

— Мен доим кўпчилик учун қийин туюлган ишларни бажаришни хоҳлардим. Усмирлик чоғида гимнастика, чанги ва от спорти билан шугулланганман. Парашютдан сакраш эса жон дилим эди. Фель-атворим ўғил болалариникига ўхшагани учунми, атрофимда ҳамма ҳам ўғил болалар эди. Бора-бора самолётни бошқариш, учувчи бўлиш орузимга айланди. Шу орузу мени авиацияга етаклаб келди. Тўғри, мактабда ўқиб юрган кез-

ларимда аэроклубга аъзо бўлишга ҳаракат қилсамда, менга рад жавобини беришган. Уша вақтда авиация эшиклари қизлар учун ёпиқ эди. Мактабни тамомлаган, Новосибирск қурилиш техникумига ўқишга кирдим. Бироқ авиациянинг сирли жозибаси ҳамон мени ўзига тортар эди. Ўқини тамомлаган, Тошкентдаги аэроклубга аъзо бўлдим. Илк паравозимни 18 ёшимда Як-18 самолётида амалга оширдим. Сўнгра Ми-1 вертолётда учдим. 1971-йилда эса мени Сергели авиаторядига Ан-2 самолётига иккинчи учувчи сифатида қабул қилишди.

ўзига, унинг характери га боғлиқ. Мени доим рангбаранг нарсалар ўзига тортади, бир хиллик эса толиқтиради. Самолёт ердан осмонга қўтарилганидан, бутун дунё қанотларим остида эканлигини кўриб, ўзимни жамки ташвишлардан халос бўлгандек ҳис қилар эдим, ўз навбатида бу менга заъв бағишларди. Биласизми, кўп ҳолларда аёллар иш билан оилани мувофиқлаштиришдаги турли муаммоларга дуч келишади. Менинг эса бу борада омадим келган. Турмуш ўртоғим ҳам учувчи. Ўғлим ҳам бизнинг изимиздан борган. Оиламдан кўнглим

хотиржам бўлгани учун ҳам касбимга содиқ қолганман.

— Эркалар нукта-назари билан қараганда, аёл самолёт каби-насини кўра ошхонага кўпроқ ярашади. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Бундай фикрлар бўлган ва бўлиб келади.

Гриднев ва бошқа фидойи инсонлар менга соҳанинг сирли кирралирини ўргатишган. Эришган ютуқларимда устозларимнинг хиссаси қатта, мен улардан миннатдорман.

— Сиз кўп йиллардан буюн эркалар жамоасида ишлайсиз. Улар билан қандай қилиб тил топишасиз?

— Мен ҳеч қачон ҳамкасбларимга аёллигимни пеш қилмаганман. Уларни жуда ҳурмат қиламан. Ҳамиша ҳамкасбларимни тушунишга, улар билан тил топишишга интиламман. Улар ҳам ўз навбатида мени тушунишади. Отрядимиз худди аҳил оилага ўхшайди. Зарур вақтларда бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиш ва ҳеч қандай ердимни аяммаймиш. Жамоамизга ҳавас қилса арзийди.

— Мувафқиятларнинг сирини нимада? Инсон ҳаётда нималарга эътибор бериши керак?

— Кўп нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Агар касбининг севсанг, усиз ҳаётининг тасаввур қила олмасанг мақсадингга, албатта, эришасан. Мақсад сари ҳаракат қилиш, галабага қиршиб керак.

Шаҳноза ҚУРБОНБОВА

рийлар сулоласининг салкам беш аср ҳўқм суриши учун маънавий асос бўлди. Амир Темуриунг бутун ҳаёти ва фаолиятида ижодкор шахсининг янглик яратиш ва кашфиётлар қилаолиш қудрати кўзга яққол ташланиб туради. Соҳибқирон яратган янги давлатнинг фаолияти ҳам унинг кашфиёти эди. Бундай давлат тузуми ундан олдин ҳеч бир мамлакатда айнан шу тарзда фаолият кўрсатмаган эди. Янги тилдаги бу давлатнинг адолат асосига қурилганилиги, эопимлардан маълумларини ҳимоя қилгани, бунёдкорлик ва илму маърифатни ривожлантиргани, халқнинг тенг ярмини ташкил этадиган аёлларга жўмардларча муносабатда бўлганилиги Амир Темуриунг васиятларига астойдил амал қилган Шохрўқ подшоҳ, Мирзо Улугбек, Хусайн Бойқаро, Бобурушоҳ, Акбаршоҳ ва Шохжаҳонлар фаолиятида кўзга яққол ташланиб туради.

«Темури тузуқлари»нинг пухта ўйланган композицияси бор. Биринчи китобда у ўзининг тарих саҳнасига чиққан пайтидан бошлаб, то Илдиригим Бозинд устидан галаба қозонгунча бошдан кечирган қирқ йиллик тарихий воқеаларни ихчам шаклда ҳикоя қилади. Бунда у ўзи эришган зафарларнинг ички сирларини авлодларга очиб кўрсатади. Айни вақтда бошдан кечирган саргузаштларининг мағзини чақиб, улардан чиқадиган фалсафий ҳулосаларни мутафаккир сифатида умумлаштиради: «Мен ўн икки тамойилни ўзимга шор қилиб олиб, ўн икки тоифадаги кишилар билан салтанатимни мустақамладим... Бу ўн икки тоифани салтанатим фалақининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим».

Амир Темури фаолият илмини яхши билган. Осмоннинг ўн икки буржидида Ҳамал, Савр, Жавзо, Сабратон қаби юлдузлар осмон жисмлари орасида мувозанат сақлаш ва қўшининг коинот бўйлаб ҳаракатланганининг алоҳида дақиқаси-ю, сониясигача аниқ-равшан кўрсатиб туришда инсон зоти учун илоҳий бир ибрат бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун Амир Темури ўз қўшинларига ҳам ўн икки қавмдан чиққан сипоҳийларни асос қилиб олади.

«Қарамогимдаги қирқ аймақдан қуйидаги ўн иккитаси менинг ҳос навкарларим бўлиб хизмат қилади: барлос, тархон, аргун, жалоир, тулқичи, дўлдай, мўғул,

сулдус, тўғай, қипчоқ, орлот, тотор».

Амир Темури ўзига ҳос образли тафаккур ёрдамида салтанатнинг тартиб-қондаларини фалақининг ўн икки буржидида мувозанат ва уйғунликка мўқоқса қилиб яратганлиги Соҳибқироннинг ҳамма масалалга мутафаккир сифатида ёндошадиган ва тарихда мисли қўрилмаган илмийликларни кашф этишга қодир ижодкор бўлганидан давлат олдидан.

«Темури тузуқлари»нинг биринчи китоби муаллифининг йигитлик даври ҳақида «Зафарнома»ларга нисбатан тўлиқроқ тасаввур беради. Бу даврда Темуриёқ ўз пири қомили Шамсиддин Қулло билан маслаҳатлашиб, халқ озолиқ ҳаракатига етакчилик қилади. Хоразмда Тўқал баҳодир билан жанг қилиб, илк галабага эришади. Шамсиддин Қулло вафот этгандан кейин Абулқасим Таёбидий Темуриёққа ёзган мактубида уни сабр-тоқатлик бўлишга ундайди. «Қатъият, чидамлик, соғлиғу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур...»

Темуриёқ устозининг бу сўзларини авлодлари учун ҳам энг тўғри йўл-ўйриқ сифатида келтиради. Бу сўзларнинг тўғрилигини ўз фаолиятида синиб кўрилган ёрқин воқеалар тасвири орқали исбот этади.

Жумладан, 1366 йилда Қарши қалъасини 243 кишилик сара жангчилар билан тунда қандай забт этгани, кейин Амир Мусо қабиларнинг бу қалъани қайтадан босиб олишга урингани, унинг ўн икки минг кишилик аскарларини қандай мағлуб этгани ва уларни 6 фарсаҳ (30 чакрим) жойгача қандай қувиб борганини Тузуқларнинг алоҳида бир бобида ажойиб маҳорат билан ҳикоя қилади. Ваҳш дарёси бўйида мўғул хони Илбўжунинг сон жихатидан тўрт баробар кўп бўлган лашкарини қандай тор-мор этгани ҳам авлодларга ибрат бўладиган даражадаги ёрқин тафсилотлари билан кўрсатилади.

Бобоқалонининг тенгсиз саркардалиқ тажрибасини Бобур Мирзо «Темури тузуқлари» орқали қучур улаштиради. Орадан бир юзу қирқ беш йил ўтгандан кейин 1511 йилда худди шу Ваҳш дарёси бўйида, Пули Сангин деган жойда Бобур Мирзо ҳам Чингизхон авлодларидан бўлган Шайбонизодаларга қарши Темуриёқ ишлатган ҳарбий тактика ва стратегияни амалда тад-

биқ этиб катта галабага эришади. Бобур Мирзонинг 1526 йилда Шимолий Хиндистонда, Панипат деган жойда Иброҳим Лоди устидан эришган галабаси ҳам Амир Темуриунг худди шу Панипатда 1399 йилда Султон Маҳмуд ва Маллуҳонлар билан жанг қилиб, зафарга эришганига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади.

Бу фактлар Амир Темури авлодларининг «Темури тузуқлари»ни чиндан ҳам уларни учун ибрат манбаи деб билганликларини ва ундан дастуруламал сифатида самарали фойдаланганликларини кўрсатади.

Айниқса, Шохрўқ Мирзо Амир Темуриунг қуйидаги эътиқодига астойдил амал қилади: «Давлат ишларининг тўқиз улуши кенгаш, тадбир, маслаҳат, қолган бир улуши қилиб билан амалга ошишини англадим», — деб ёзган эди Соҳибқирон ўз асарининг «Кенгашлар ва тадбирлар» деб аталган қисмида... — Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учинда айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учинда айтилганини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маъналатни эса қалбим қулоғига қўярдим. Қайси киши ақлга синадиган бир ишни қуйибди таклиф қилса, суюниб эшитардим. Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим... Фақат ҳар бир маслаҳатни яхши ўйлаб кўргач, энг тўғри ва савооблироғини таналя олардим».

Амир Темури ўз тажрибасида синиб кўрилган бу тамойилларнинг тўғрилигини ҳам ёрқин ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб беради. Шунинг учун Шохрўқ Мирзо отасидан кейин парчаланиб кетган салтанатни қайта тиклашда ва уни яна қирқ йилдан ортиқ мувафқият билан бошқаришда «Темури тузуқлари»да атрофлиқа баён қилинган йўл-ўйриқларга изчил амал қилади. Худди Соҳибқиронг васият қилганидек, Шохрўқ подшо ва унинг буюк ўғли Улугбек давлат ишларининг ундан тўқизини тадбир, кенгаш, мурося, мадора йўли билан адо этадилар. Фақат бунинг илоҳи бўлганга ундан бир ҳолатларда қўшинни ҳам ишга солиб, жанг қилдилар ва аскарнинг ҳолларда галаба қозонадилар.

Амир Темури асос солган ва «Темури тузуқлари»да ижодий кашфиёт тарзида лойиҳаси яратиб қолдирилган сулола Турон, Хуросон ва Афғонистонда бир ярим аср ҳўқм суради. Беш қўл баробар эмас. Падарқўш Аб-

дуллатиф ва Султон Абусяид каби тождорлар бу сулоланинг Туронда ва Хуросонда инқирозга учрашига сабаб бўладилар. Шунда Бобур Мирзо бобоқалонининг ижодий кашфиётларини Хиндистон заминидан амалга тадбир этиб, темирйилар сулоласини янги тарихий босқичга қўтарди. Бу улуг сулола ҳинд заминида Баҳодиршоҳ II давригача яна 332 йил ҳўқм суради. Баҳодиршоҳ II нинг қундалиқларида ва ҳинд киномотографчиларининг унга бағишлаб яратган беш қисмлиқ видеофильмида Амир Темури салкам беш юз йил тарих саҳнасидан фаолият кўрсатган сулоланинг асосчиси сифатида ифтихор билан тилга олинади.

Амир Темури сиймосига аталган меҳр ва эҳтиром, айниқса, унинг туғилиб ўсган юрти Ўзбекистонда истиқлол йилларида мисли қўрилмаган юксакликларга қўтарилди. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов халқимизнинг Амир Темурига аталган кексиз меҳр ва эҳтиромини «Маънавий юксалиш сари» китобида қуйидагича ифодалаган эди: «Ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган Соҳибқирон ёшлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинлар, азиз дўстлар, барчамиз яқдид бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобоқалонимизнинг «Адолат ва озолиқ — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» деган доно ўғитларини доимий шоримиз бўлсин!»

Донишманд бобоқалонимизнинг тарихий ўғитлари Ўзбекистон истиқлоли даврида халқимиз ва раҳбариятимиз томонидан изчил амалга оширилаётганига бизнинг ҳам биримиз нафақат гувоҳимиз, балки бу улуг ишларга заррача бўлса ҳам хисса қўиши орзусида меҳнат қилмоқдамиз.

1 Плуларх «Избранные жизнеописания», Москва, 1990, 368-бет.  
2 «Темури тузуқлари», Т.2005 й, 62-бет.  
3 Язидий, «Зафарнома», 1997, 296-297-бетлар.  
4 Уша китоб, 76-бет.  
5 Уша китоб, 105-бет.  
6 «Темури тузуқлари», Т.2005 й, 15-бет.  
7 Ислам Каримов «Маънавий юксалиш сари», Тошкент, 1998 й, 385-бет.

**(Боши 1-бетда)**

1991 йилнинг март ойи эди. Ўзбекистон Республикаси де-Факто мақомида мустақил бўлса-да, де-Юре мақомида мустақилликка эришмаган эди. Амалда мустақил оидмилетга бўлса-да, расман марказга тобе ҳисобланарди. Марказда ҳамда (Болтқубий республикалари, Грузия ва Арманистондан ташқари) ўн та иттифокдош республикада кирилл алифбосига асосланган ёзув қўлланиларди, ярим асрдан бери шундай ҳол мажбуран жорий этилган бўлиб, бу нарса Марказ учун ўз сибсатини юритишда қўлай восита ва омиллардан ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг биринчи бўлиб лотин ёзувиغا ўтиш ниятини Марказ илқ кутиб олмаслиги турган гап эди. Лекин, Махмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг таъбири билан айтганда, мустақиллик тилаб олинмайди, балки курашиб қўлга киритилади. Йиғилиш сўнгида сўзлаган Ислам Каримов мажлис катташчиларига аввало ана шу фикрни эслатди. Лотин алифбосига асосланган янги ёзувга ўтишимиздан кўзланган асосий мақсад жаҳон ҳамжамиятига тезроқ кириб бориш, умуминсоният тараққиёти билан бир сафда бўлиш ва халқаро миқёсда ўз муносиб ўрнини эгаллашдан иборат эканини уқтирди: **лотин ёзуви — жаҳоний ёзув.**

Дунёдаги энг тараққий этган АҚШ, Англия, Германия, Франция, Италия, Канада каби мамлакатларда лотин ёзуви асосланган алифбодар қўлланилади. Дунёдаги бошқа кўпгина давлатларда ҳам бу ёзувдан иккинчи ёзув сифатида фойдаланилади. Давлатлараро ёзишларда, айниқса, банк, савдо-тижорат доираларида хизмат қилувчилар ўртасида бу ёзувни билмайдиган ва фойдаланмайдиган киши йўқ ҳисоби.

Биз бир ёзувни улуглаб, иккинчи бир ёзувни камситмоқчи эмасмиз. Барча ёзувлар ҳам баъшарий цивилизациянинг тарихий қисмлари деб ҳисоблаймиз. Лекин бундан буюнги тараққиётимиз учун энг қўлайини, энг самаралисини танлаб оламиз. Бу — лотин ёзувидир. Бироқ бу ёзувга босқичма-босқич, тадрижий тарзда ўта борамиз. Бунда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Дастлабки даврларда - то лотин ёзувига тўлиқ ўтилгунча, амалдаги ёзувимиздан ҳам фойдаланила борилади. Лекин шахсий турмушда ким қайси ёзувдан фойдаланса, бу унинг ўзига

ҳавола. Ислам Каримовнинг ҳар томонлама асосли ва чуқур илғий тушунтиришидан кейин йиғилишда юз берган ҳалиги кутбланиш барҳам топиб, фикрий бирлик вужудга келди. Махлис ахли лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш ғоясини бир овоздан маъқуллади ва бу ҳақдаги масалани Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритишни тавсия этди.

Уша тарихий йиғилишда биз ҳам сўзга чиқиб бу борадаги мулоҳазаларимизни баҳам кўрган эдик. Нутқимиз матни сақланиб қолган. Мавриди келди, куйида уша матндан айрим парчаларни келтираемиз.

**Жаҳоний ва туркий ёзувлар**

ҳақида. Ёзув маданияти тарихига назар солсак, Шарқ халқлари, шу жумладан, бизким, ўзбекларнинг аجدодлари урун-онасой, сўғд, брахма, моний, араб ёзувларини қўллаганлар, ягона алифбо билан чекланиб қолмаганлар, бу ёзувларнинг ибтидоси кўнча оромий хатига бориб тақалади. Халқимиз араб хатига тўла-тўқис ўтганига қадар қўллаган алифболаримиз орасида умумтуркий ёзувнинг ўрни бениҳоя катта бўлган, мазкур ёзув ҳозирда уйғур хати деб ҳам аталади. Бу хат ўз тарихи довомида туркий халқларнинг маданий, ижтимоий, сибсий ҳаётида чуқур из қолдирди. У тилимизни, яъни сўзимизни масофа ва замоналарга етказиб беришда хизмат қилди, барча турк улусига умумий бўлган адабий тилининг вужудга келиши ва унинг тақомилини таъминлаб берди.

Бу ёзув ўтмиш манбаларида бир неча ном билан аталган. Махмуд Қошғарий ўзининг «Девону лугатит турк» асаридан унинг «туркча ёзув» деб тилга олади. Алишер Навоий ўзининг «Муншоот» асаридан «туркча хат» деб атади. Шундай деб аташ мақсадаги мувофиқдир. Чунки бу ёзув умумтуркий хат бўлиб, барча ўтрок,

маданий туркий халқлар, шу жумладан, бизким, ўзбекларнинг аждодлари милодий V асрдан бошлаб милодий XV асргача қўлланилган. Милодий VIII аср бошидан бошлаб араб хати билан ёнма-ён бу туркий хатдан фойдаланилган. Бу ҳақда теурийлар замонида яшаган тарихчи Ибн Арабшоҳ маълумот бериб ўтган: туркистонликлар «ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, хат, китоб, битик, йилнома, шеър, қисса, ҳикоят, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини... шу ёзувда ёзадилар», деб ёзган. Теурийлар араб хати қаторида туркча ёзувга ҳам эътибор билан қарадилар. Теурийлар давлатининг йирик маданий-адабий марказларида, шу жумладан, Ҳирот-

ма иккисида Боғи Шаҳарда билатиди» деб яқуланади. Бу санали милодий ҳисобга айлантирсак, бу ҳужжат 1422 йили Ҳирот яқинидаги Боғи Шаҳарда ёзилгани маълум бўлади. Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо томонидан 1469 йили марғилолик Мирсаид Аҳмадга берилган, Андижон шаҳрида ёзилган нишон, яъни гувоҳнома «Султон Умаршайх Баҳодур сўзум» деб бошланади. Бобурнинг ота томонидан бобоси Султон Абу Саид мирзонинг 1468 йили Хасанбекка, яъни Ироқ ҳукмдори Узун Хасанга йўлланган васиқаси «Султон Абу Саид кўрагон сўзим» деб бошланиб, «Хасанбекка салом теггач, сўз улким» деб давом этади.

шаҳарларда ва вилоят марказларида зарбхоналар бўлган. Булар ўзбекчада чақар деб аталган. Тошкентда иккита чақар бўлган, бири ҳозирги Форобий кўчасида, иккинчиси эски Бешёғоч кўчасида бўлган. Хуллас, салтанатлар ўзгарган, ёзувлар ўзгарган, бироқ халқимиз, сўзимиз — адабий тилимиз яшаб, бойиб, тақомиллашиб бораверган ва бугунги кунгача етиб келди. Ўтмишда юртимизда араблар ёки бошқалар ҳукмронлик қилган даврларда ҳам гарчи баъзан расмий тил бошқа бўлса-да, ҳарбий тил ҳамаша туркий (ўзбек) тил бўлган. Аскарлар, сарой гвардияси ва уларнинг бошқалари асосан ўзбеклардан иборат бўлган. Шу сабабли бизким, ўзбекларда

сида» (янги тахрирда) Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди. Бу қонунларнинг моддалари босқичма-босқич бажарила бормоқда. Арзигулик ютуқларга ҳам эришилди. Ўқувчиларимиз янги ёзувимизда саводхон бўлишлари баробарида халқаро тиллар ҳисобланиш инглиз, француз, немис ва испан тилларини ўрганишлари осонлашди. Улар мактабда рус тилини ҳам дарс сифатида ўқийтганилари туфайли кирилл алифбосини ўрганмоқдалар.

Ўзбеклар учун кўп тилларни ва ёзувларни билиш азалий ва анъанавий удумдир. Тил билган — эл билади, жаҳонгашта бўлади, дейди доно халқимиз. Зеро, тил барча фанларнинг ҳам онаси, ҳам отасидир. Тил билгунчи, сўз қадрига етувчи инсон бошқа фанларни ҳам осонроқ ўзлаштиради. Мактабдаги илк сабоқ ўқиш-ёзишдан — савод чикаришдан бошланиш ҳам бежиз эмас, албатта. Тилимизнинг нуфузи ошиб, давлат тили мақомига эришиши миллатимиз қадр топиб, қадди тикланганига ёрқин бир далилдир. Миллий Уйғониш тилдан бошланиб, Миллий Тикланишга олиб келган маънавий омиллардан бўлди, десак арзийди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ижтимоий-сибсий барқарорлик вужудга келтирилди, бозор муносабатларини жорий этиш йўлида муайян даражада самараларга эришилди. Маънавий-маърифий соҳаларда ҳам, илм-фан борасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритдик. Жаҳоний ёзув — лотин ёзуви турмушимизга чуқур кириб бормоқда. Бугунги кунда ёш авлодимиз ҳам кирилл ёзувини, ҳам лотин ёзувимизни биладилар. Лотин ёзувимизда журнал ва газеталар, китоб ва дарсликлар чикарилмоқда. Кўплаб бадий асарлар ҳам эитилимоқда. Булар рўйхатининг ўзиёқ бир неча варақни ташкил қилади. Шунинг учун биз Алишер Навоийнинг «Хамса»си лотин ёзувимизда чоп этилгани ва халқаро танловда сифати бўйича биринчи ўринни эгаллаганини айтиш билан чекланамиз.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният тараққиёти билан бир сафда бўлиш ва халқаро ҳамжамиятга киришиб кетиш учун Ўзбекистонда лотин ёзуви асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш мақсадни ифодалашда бир шаклдир. Қайси бир шакл мақсадни ифодалашда қулайроқ, самаралроқ ва, муҳими, мутлоқ қўлчилик учун осонроқ, ва тушунарлироқ бўлса, ўшандан фойдаланиш мақсада мувофиқдир. Лотин ёзуви асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш ғоясини илғор фикрли ўзбек зиёлилари қўллаб-қувватлашмоқда.

Мана, ўша тарихий мажлисга ҳам анча йиллар бўлиб қолди. Орада ўтган давр мобайнида лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини турмушга жорий қилишга, умуман эса, тил маданиятимизни юксалтиришга қаратилган бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Шу жумладан, 1993 йил 12 сентябрда «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алфавитини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. 1995 йил 29 декабрда «Давлат тили тўғри-

Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ, Ёзувчи

# ЛОТИН ЁЗУВИ — ЖАҲОНИЙ ЁЗУВ



Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 326-халқ амалий санъати мактабиде 925 нафар ўғил-қизлар таълим-тарбия олишмоқда.

Халқ амалий санъати йўналишига ихтисослаштирилган мактабда ўғил болалар синфиде ўқувчиларга миниатюра санъати, ёғоч ўймакорлиги, ганккорлик, бадий расмчилик, наққошлик сирларидан сабоқ берилса, қизларга тижик-биҷиш, қўл каштачилиги, зардулик, машинада бадий каштачилик ҳунарлари ўргатилади. Шунингдек, умумий фанлардан ҳам ўқувчилар мукамил билим оломоқдалар. Улар ихтиёрига тўлиқ ҳижозланган 35 та синфхона бериб қўйилган.

Сўнгги йилларда мактабнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Синфхона, устаконалар замонавий ўқув қуроллари ва жиҳозлар билан таъминланган. Суратларда: мактаб директори Тинчовой Пўлатов ўқувчилардан Мунира Умарова, Озода Комилова ҳамда Гаҳар Умрзоқовалар билан ўқувчилар томонидан тайёрланган халқ амалий санъати намуналарини кўздан кечираётган пайти; 4-синф ўқувчиси Шаҳодат Раҳматуллаева ўқувчилар билан.

А. ХУДОЁРОВ олган суратлар

**Хотира турнири**

**АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА**

**ДЎСТЛИК ВА ОММАВИЙЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Илк футбол жамоаси юртимизда ўтган аср бошларида Ҳўқанди-Латиф шаҳрида ташкил этилган. Шу боис бу шаҳар халқи равишда ўзбек футбол ватани саналади. Шаҳардан 17 чакирин олисда яшаган ййпанлик Олимжон Акбаров ҳам ушбу «калдирғоч» жамоа сафиде тўп сурганлардан бири.

Футбол фидойиси сифатида ном қозонган Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб турнир ўтказиш ўтган йилдан бошлаб йўлга қўйилди. Ушбу хайрли ишга ҳомийлик қилганлар аввалига марҳумнинг жонажон шаҳрида турнир ўшатириган бўлса, кейинроқ бу мусобақа пойтахтда ОАВ ходимлари жамоалари ўртасида ўтказилди.

Бу йил ҳам анъанавий мусобақанинг биринчи қисми Яйпан шаҳрида зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Мухлислар 16 та жамоа ўртасида кечган қизиқарли футбол томошасининг гувоҳи бўлидилар.

Навбат яна ОАВ ходимлари ўртасидаги турнирга келди. Журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва футболни оммавийлаштиришга хизмат қилувчи ушбу турнир «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари соврини учун ўтказилмоқда.

Турнир савияси бу йил анча юқорилади, десак муболага бўлмас. Биринчидан, катнашчи жамоалар сони ошди. Иккинчидан, турнир соврини салмоқлашди. Катта пул мукофоти, махсус кубок, медаллар шодаси ҳар қандай жамоани галаба сари ундаши аниқ. Шунингдек, 11 та номинация бўйича ҳам махсус дипломлар ва пул мукофотлари ўз эгасини кўтмоқда.

Кеча ушбу турнирга бағишланган ташкилий қўмита ҳамда катнашчи жамоалар вакиллари ўртасида йиғилиш бўлиб ўтди. Катнашчи жамоалар вакиллари мусобақа низоми билан таништирилди. Асосий мақсад журналистлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва спортга ошно тутишни эканлиги алоҳида таъкилланди.

Уйналар пойтахтдаги «Истиклол» спорт мажмуасида 26 октябрдан 6 ноябргача ўтказилди. Бош хомийлар Ўзбекистон футбол Федерацияси ҳамда юртимизда фаолият юритаётган фирма ва ташкилотлардир.

Ўз мухбиримиз

**МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси**

Газетанинг 164-сониде чиққан эълондаги 166 400 000 сўм 116 400 000 сўм деб ўқилсин.

**Истеъдодлар**

**ИЗЛАНИШ ВА МАҲОРАТ МАҲСУЛИ**

Шахматни ақл гимнастикаси дейишади. Тажрибали мураббий Раҳим Ражабовнинг шогирдлари спортнинг бу турида нафақат Қашқадарь, балки мамлакатимиз шарафини ҳам муносиб ҳимоя қилапти.

Ун олти ёшли иқтидор соҳиби Акмал Файзуллаев Қарши шаҳридаги 1-ихтисослашган умумтаълим мактабиде ўқийди. Бир неча йилдирки, «Шохрўх» шахмат клуби аъзолари сафиде тажрибали мураббий, спорт устаси Раҳим Ражабовдан бу аjoyиб ўйин сирларини пухта ўрганмоқда. У «Умид наҳоллари-2006» мусобақаларининг республика босқичиде ғолиб бўлиб, сўнгги русумдаги компьютер билан мукофотланди. Устозининг шогирдидан умиди катта. Агар ўз устиде эринмай ишласа, ундан келажакда етуқ шахматчи етишиб чиқиши мумкин.

Чироқчилик Нодиржоновлар сулоласининг виллоятда ўзига яраша ўрни бор. Оила бошлиғи Абдурахмон ака таниқли мураббий, кўплаб шогирдлар тарбиялаб воғя етказган.

Падари Бозруквори изидан бораётган Нодира шахмат оламидаги кўп усулларни, сирларини отасидан ўрганган. Изланиши ва маҳорати туфайли аввал туманда, кейинчалик виллоятда танилди. Нодира шахмат бўйича виллоят терма жамоасининг аъзосидир.

Спортчилар оиласининг яна бир аъзоси, 8-синф ўқувчиси Ахрор ҳам тенгдошлари ўртасида мохир шахматчи сифатида танилган. Ота-онанинг далдаси ва кўплаб-қувватлаши туфайли опа-укалар маҳоратларини ошириб боришмоқда.

—Юрт фахри Рустам Қосимжонов ҳамде виллоятимиз таниқли шахмат устаси Сарвиноз Эргашеваларга ўхшагим келадим, — дейди Нодира ўсмирларга хос диллик билан. — Келгусида

улар каби доврўгли спортчи бўлишни оруз қиламан. Қарши шаҳридаги 26-мактаб ўқувчилари ака-ука Отабек ва Маъруф Убайдуллаевларни янгидан кашф этилган истеъдодлар деса бўлади. Шахмат ўйнашининг ҳадисини олган, фақуллада холатларда хайрон қолари даражада усуллар ишлатиб, вазиятдан чиқиб кетаётган ёш спортчиларда чинакам истеъдод ва бетакор қобилият мужассам.

... Шахмат тахтаси катақлари узра тизилиб турган доналар... Уйга толган ўсмирлар. Уларга божиб турли-туман усуллардан фойдаланиб, ёшига нисбатан вазминлик билан ҳужумкор ўйин намойиш этаётган ўғил-қизларга ҳавас ва хайрат билан боқасиз. Ақлини пешлаб, билимини мустаҳкамлаб, руҳий чиникётган бундай ёш шахматчилардан келгусида чемпионлар етишиб чиқса не ажабд?

**И. ИСОМИДИНОВ**

**Қарор ва ижро**

**ТАДБИРКОРЛАРГА ИМКОНИАТ**

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолига хизмат қўратиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу йилнинг апрел ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат қўратиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб, хизмат қўрсатаётган юридик шахслар учун йил муддатда даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловларидан озод қилинади.

Ушбу қарор моҳиятини тушунтириш мақсадида Учтепа туманидаги «Ибрат», «Уриқзор» каби маҳаллалардаги телерадио аппаратура, автотранспорт тузатиш, ветеринария ва машиий хизмат қўрсатувчи тадбиркорлар билан семинар-учрашувлар олиб борилди. Утган давр мобайнида тумандаги мажбуд корхоналарга имтиёз қўлланиши натижасида 10 миллион сўмга яқин маблағ тадбиркорлар ихтиёрига қолди. Хуллатимизнинг бундай тадбири аҳолига сифатли, арзон хизмат турларини қўрсатишда кўл қўмоқда.

Тадбиркорларимиз бундай имтиёздан руҳланиб, эътиборни иш қўламини ошириш, янги иш ўринлари очиш ва хизмат қўратиш маданиятини яхшилашга қаратмоқда. Мисол учун, «Растр-Сервис» хусусий корхонаси телерадио аппаратураларини таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Улар мазкур қарор имкониятидан тўғри фойдаланиб, замонавий, сифатли хизмат турларини йўлга қўймоқда.

**А. ИБРАГИМОВ,**  
Учтепа туман Давлат солиқ инспекцияси шўба бошлиғи

**БОШ МУҲАРРИР**  
**Абдуқолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ**

**Тахрир хайъати:**

**Алла Долаженкова,**  
**Виктор Зверев**  
(бош муҳаррир Дрибосари),  
**Маъмура Адилова,**  
**Мирзоқид Содиқов,**  
**Носирхон Акбаров,**  
**Ойсулай Нафасова,**  
**Пиримқул Қодиров,**  
**Соғиндиқ Ниетуллаев,**  
**Шавкат Абдуллаев,**  
**Шамси Эсоибеов,**  
**Элёр Ёқубов,**  
**Ғулмоқир Юсупов**

**Бизга қўнғироқ қилинг:**

**Котибият**  
**153-52-78**

**Бўлимлар**

**Қасаба уюшмалари ҳаёти бўлими:**  
**153-87-63**

**Ижтимоий-иқтисодий сибсат бўлими:**  
**153-87-74**

**Хуқуқ ва халқаро ҳаёти бўлими:**  
**153-87-73**

**Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими:**  
**153-82-79**

**Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими:**  
**153-85-43**

**Реклама ва эълонлар бўлими:**  
**153-03-90**

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**

**700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи:**  
**133; 134**

**E-mail:**  
**ishonch\_doverie4@mail.ru**

**Газета ҳафтанинг**

**сешанба,**  
**чоршанба,**  
**жума ва шанба кунлари чиқади.**

**Навбатчи котиб -**  
**А. Алламуродов**  
**Навбатчи муҳаррир -**  
**З. Рихсиев**  
**Навбатчи -** Х. Жўраева  
**Мусаҳҳих -** Д. Қомолов

**Саҳифаловчи-дизайнер:**  
**А. Абдуллаев**  
**ва Ю. Михайловский**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.**  
**Корхона манзили:**  
**«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан руйхатга олинган.**

**IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**  
**Офсет усулида босилди.**  
**Бичими А-2.**  
**Ҳажми 2 босма табоқ.**  
**Сотувда эркин нархда.**

**Босишга топшириш вақти - 21.00.**  
**Топширилди - 20.40**

**Буюртма Г— 1215**

**Тиражи: 7553**